

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАВЗУНИ ТИНГЛАБ ТУШУНИШГА ЎРГАТИШ МУАММОСИ ВА УНИ АКТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ



Саодат Лутфулла қизи САЛИХОВА

катта ўқитувчи

мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат аграр университети

“Хорижий тиллар” кафедраси

saoakhmad@bk.ru

Аннотация

Мазкур мақолада хорижий тилларни ўргатишда бугун долзарб бўлган – касбга йўналтирилган мавзу, суҳбат, диалог ва бошқа манбаларни тинглаб тушунишга оид муаммолар ва уларга ечим бўла оладиган таклифлар берилган. Ушбу мақолада касбга йўналтирилган соҳа сифатида қишлоқ хўжалиги танланган, шунга мос равишда бир қанча ишланмалар ва мультимедиа воситаларини ривожлантириш ва яратиш таклифлари кўйилган.

Калит сўзлар: тинглаб тушуниш; мультимедиа; ишланма; касбга йўналтириш; қишлоқ хўжалиги; АКТ воситалари.

ПРОБЛЕМА ОБУЧЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО ОРИЕНТИРОВАННОГО АУДИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЕ ЕГО СРЕДСТВАМИ ИКТ

Саодат Лутфулла кизи САЛИХОВА

старший преподаватель

соискатель

кафедра иностранных языков

Ташкентский государственный аграрный университет

saoakhmad@bk.ru

Аннотация

В статье называется ряд проблем, связанных с пониманием профессионально ориентированных текстов, диалогов и других материалов, которые считаются актуальными в обучении иностранному языку на сегодняшний день, а также даются предложения для решения этих проблем. В качестве профессионально ориентированной отрасли выбрано сельское хозяйство, предложено создание разработок уроков и использование мультимедийных средств для аудирования.

Ключевые слова: аудирование; мультимедиа; разработка; профессиональная ориентированность; сельское хозяйство; ИКТ средства.

THE PROBLEM OF TEACHING PROFESSIONALLY ORIENTED LISTENING AND DEVELOPING IT BY ICT MEANS

Saodat Lutfulla kizi SALIKHOVA

Senior lecturer

Independent researcher

Foreign languages department

Tashkent State Agrarian University

saoakhmad@bk.ru

Abstract

The article refers to a number of problems related to the understanding of professionally-oriented texts, dialogues and other materials that are considered relevant in the teaching of a foreign language today, as well as suggestions for solving these problems. As a professionally-oriented industry, agriculture was chosen, creation of lessons and the use of multimedia tools for listening were proposed.

Keywords: listening; multimedia; work out; professionally oriented; agriculture; ICT means.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашда хорижий тилни ўргатишнинг ҳам муайян ўрни бор. Соҳа мутахассисларининг ўз олдига қўйилган вазифаларини амалга оширишларида уларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамфикрлиги ва тажриба алмашишлари бугун юртимизда амалга оширилаётган ишларимизнинг муваффақияти саналади.

Дунё аҳолисини соф, экологик тоза маҳсулот билан таъминлаш мақсадига қаратилган жаҳон олимларининг бирлашуви эса улардан ўзаро фикр алмашиш ва маълумот олиш учун ягона тилда сўзлашишни талаб этади. Жаҳонда “глобал” мулоқот тили саналган инглиз тили ана шу мақсадлар учун хизмат қилади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчилардан бу тилни мукамал эгаллаш талаб этилади ва бу масала хозирги кунда республикамизда долзарб муаммолар қаторида туради.

Талабаларнинг ОТМларда хорижий тилни мукамал ўзлаштира олмасликлари сабабларини келтириб ўтайлик:

- ✓ Дарс соатларининг камлиги (хафтада фақатгина бир жувтлик ўтилади).
- ✓ Талабалар ОТМда ўқиш давомида улар CEFR (баҳолашнинг умумевропа сандарти) талабига кўра В₂ даражада ўқитилишлари белгиланган, лекин талабаларнинг аксарияти А даражада билимга эга ёки қуйи таълим муассасаларида тилни умуман ўзлаштира олмаган.

- ✓ Гуруҳдаги талабаларнинг тил билиш даражаларининг турлилиги, яъни баъзи талабалар яхши ўзлаштирган, баъзилар жуда паст.
- ✓ Соҳага йўналтирилган ва мослаштирилган дарслик ва ўқув кўлланмаларининг етишмаслиги.

Хорижий тилни ўргатишни самарали амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган асосий муаммоларнинг ечимини топиш олиб бораётган вазирамизнинг ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди.

Тил ўрганишда бир қанча аспектларга таянилади, лекин улар орасида тинглаб тушуниш олинган ахборотнинг тўғри талқин этилиши ва кейинги мулоқотнинг узвийлигини таъминлайди. Аудитория машғулотида хорижий тил ўргатиш амалий курсининг мақсадга аниқ йўналтирилганлиги дарслар самалрадорилигини таъминлайди ва бўлажак мутахассиснинг кўникмаларини шакллантиради. Унга кўра, бир қанча мулоқот шаклидаги вазифалар, берилган аудиоматннинг таҳлили каби касбий маҳорат тилини ривожлатирувчи машқлар талабалар билим савиясини оширишга кўмаклашади.

Инсон маънавий камолотга, одатда, эшитиш кўриш (кузатиш), қолаверса, ўқиш туфайли эришади. Ахборот тўпланишида ушбу уч фаолият орасида тинглаб тушуниш жуда муҳимдир. Қизиғи шундаки, фалон тилда тинглаб тушуна оласизми? – деб эмас, балки гапира оласизми?– деб мурожаат қилинади. Идрок – ақлнинг ўлчовидир. Гапириш ва тинглаб тушуниш оғзаки нутқ демакдир. Юқорида айтиб ўтилган фикрни чуқур мулоҳаза қилар эканмиз, аввало, мутахассисликка йўналтирилган талабаларимизнинг нутқини шакллантиришда тинглаб тушунишсиз юқори муваффақиятларга эриша олмаслигимиз ойдинлашади. Қачонки, ахборот берувчининг фикрини тўғри идрок қила олсак, биз унга тўғри жавоб бера оламиз ва суҳбатимиз самарали кечади.

Бундай муваффақиятларга эришишимизда илғор технология воситалари ёрдамчи вазифани бажаради. “Тинглаш учун матн (аудиотекст)ларни танлаш ёки яратишда гап кўп. Ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқишини уйғотадиган, мантиқан аниқ, нутқнинг монолог ва диалог шаклини ўз ичига олган, ахборотга бой аудиотекст ўз тингловчисига ёқиб тушади” (1, 191). Мазкур баёнот ҳозирги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган ва айнан шу мақсадга эришиш йўлида кўпгина изланишларни олиб бориш, талабаларни тинглаб тушуниш кўникмаларни ошириш муҳим масала саналади. Бунда компьютер, mp3 ва телефон воситалари ҳамда соҳаларга мос

тинглаб тушуниш машқлари ва аудио-, видеоматнларнинг қўлланилиши талабаларнинг мукамал мутахассис бўлиб етишишлари учун кўмак беради.

Ахборот технологиялари воситаларида электрон почта орқали ўқитиш масаласи илгари ўрганилган ҳамда Е.К. Гитман ва Ю.Ю. Тимкинанинг “Олий ўқув юртлирида чет тилни ўқитишда информацион технологиялар” (“Информационные технологии в процессе обучения иностранному языку в вузе”) деб номланган монографиясида айтилган фикрларига кўра, тил ўрганувчилар иншо, эссе, доклад тайёрлаш каби ёзма топшириқларни машғулотларни бажарганлар. Масалан, хат ёзишда ўзини таърифлаш илова асосида амалга оширилган. Унга кўра талаба ўзи ҳақида, асосан, монологик баёнот орқали амалга оширилган. Бажарилган вазифаларни талабалар электрон почта орқали ўқитувчиларга ва гуруҳ талабаларига жўнатишган. Муаллиф фикрича, электрон хат ёзиш бугунги кунда замонавий мутахассиснинг ажралмас компетенцияси саналади. Берилган хатни ёзиш барча талабалар учун мажбурий ва у иловага мувофиқ ёзилганлиги боис келгуси вазифалар учун тайёрлов вазифасини ўтаган. Биринчи текширув гуруҳ талабалари томонидан амалга оширилган ва унга кўра, уч гуруҳдошнинг хатлари ўрганилган, хатлари таҳлил қилинган ва хат муаллифига изоҳлар йўлланган. Бундай вазифа талабаларни ўзини-ўзи текшириш, баҳолаш ва изоҳлаш кўникмасини ҳосил қилишга ўргатади, ҳамда талабаларни хорижий тилда мулоқот қилишлари учун замин яратади. Мазкур ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланилган интерфаол усулнинг авфзаллиги педагогнинг вақтини иқтисод қилиш билан ҳам боғлиқ (2, 99–100).

Тинглаб тушунишни ўргатишда унинг қатор мақсад ва вазифаларига эътибор беришимиз талаб этилади. Баъзи тинглаб тушуниш машқларини дарсда, амалий машғулотларда қўллай олсак, баъзиларини уйга вазифа қилиб топширишимиз, кейинги машғулотларда “Ақлий хужум” каби интерфаол усуллар ёрдтекамида текширишимиз мумкин.

Lucy Pollard ўзининг “Lucy Pollard’s Guide to Teaching English” номли электрон китобида тинглаб тушунишнинг бир қанча турларини келтириб ўтади ва айнан тинглаб тушунишнинг мақсади орқали бошқалар ўз ўргатиш усулини ҳам топиши мумкин:

1. Матннинг асосий мазмунини аниқлаш учун тингланадиган аудиотекст. Мазкур ҳолатда аудиоматн тинглаб эшиттирилади ва унга оид умумий саволлар берилади. Махсус хусусиятлар инобатга олинмайди. Мазкур усулнинг мақсади тинглашни машқ қилиш саналади.

2. Экстенсив тинглаш. Бунда хорижий тиллардаги бирор филм, аудиоҳикоя тингланиши мумкин. Бирор соҳага йўналтирилганда эса, махсус соҳага оид хужжатли филмни кўриб, тинглаб тушунишни ўргатиш мумкин.

3. Махсус ахборотни олиш учун тинглаш. Унда матннинг ичидаги эътиборни тортувчи ахборотни топиш сўралади.

4. Батафсилроқ ахборот олиш учун тинглаш. Бунда эътибор билан тинглаш, вақт, йўналиш каби ҳар бир детални англаб олиш талаб этилади.

5. Олдиндан айтиб бериш усули. Бу усулга кўра, аудиоматннинг сарлавҳаси ёки у нима ҳақида эканлигига умумий таъриф берилгандан сўнг, аудиоматн деталларини, унда нималар ифода топиши мумкинлигини олдиндан таваккал қилиб айтиш сўралади, мавзу тинглангандан сўнг унинг қанчалик тўғри айтилгани текширилади (3, 30–40).

Тинглаб тушунишни самарали ўзлаштиришда соҳага мослаштирилган босқичларга бўлинган электрон дарслик дарс сифатини яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Мазкур дарслик соҳага мос равишда ишлаб чиқилиб, интернет тармоқларига жойлаштирилса, у масофадан туриб ўқитиш, мустақил шуғулланиш ва кўшимча машқлар орқали тинглаб тушуниш қобилиятини оширишда яхши самара беради.

Тинглаб тушунишни ривожлантиришда ҳам ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш ҳозирги кунда самарали саналади. Интернетда, замонавий тил ўрганиш китобларида тинглаб тушуниш учун ишлаб чиқилган машқлар ва вазифалар талайгина, лекин уларда айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим олувчилар учун йўналтирилган мавзулар йўқ. Тинглаб тушуниш вазифалари асосида ахборат технологиялари воситалари орқали қишлоқ хўжалиги соҳасига мос вазифаларни ишлаб чиқиш шу соҳада таълим олаётганлар учун фойдали бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлари (фак.) талабалари учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1996 – 367 б.
2. Гитман Е.К., Тимкина Ю.Ю. Информационные технологии в процессе обучения иностранному языку в вузе. – Пермь, 2014. – 136 с.
3. Pollard L. Lucy Pollard's Guide to Teaching English" e-book 2008. – 72 p.